РЕСПУБЛИКА ИММУНОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ИММУНОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

КАСИМОВА МУХЛИСАХОН САИДАКБАРХОДЖАЕВНА

СТЕНОКАРДИЯНИНГ ПАТОГЕНЕЗИНИ ИММУНГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ

14.00.36 - Аллергология ва иммунология
14.00.06 – Кардиология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2017

УДК: 616.12-009.72:575.1-08

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on medical sciences

РЕСПУБЛИКА ИММУНОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ ИММУНОЛОГИЯ МАРКАЗИ

КАСИМОВА МУХЛИСАХОН САИДАКБАРХОДЖАЕВНА

СТЕНОКАРДИЯ ПАТОГЕНЕЗИНИНГ ИММУНГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ

14.00.36 - Аллергология ва иммунология
14.00.06 – Кардиология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1. PhD/Tib146 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Республика иммунология илмий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immunology.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:	**Исмаилова Адолат Абдурахимовна** тиббиёт фанлари доктори
	Тулабаева Гавхар Миракбаровна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Ахмедова Холида Юлдашевна** тиббиёт фанлари доктори
	Нуриллаева Наргиза Мухтархановна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика иммунология илмий маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.50.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2017 йил «____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qip.ru).

Диссертация билан Республика иммунология илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ рақам билан рўйҳатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55).

Диссертация автореферати 2017 йил «____» _____куни тарқатилди.
(2017 йил «_____» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т. У. Арипова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

З.С. Камалов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.,профессор

Т.Р. Хегай
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертацияг мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Юрак ишемик касаллиги (ЮИК) терапияси етарлича ўрганилгани, уни ташхислаш ва оптимизация методлари такомиллашиб бораётганига қарамай, унинг кенг тарқалиши, кўп ҳолларда ўлимга олиб келиши ва юрак-қон томири асоратлари келиб чиқиши сабабли бугунги кунда ҳам кардиологиянинг долзарб муаммолари қаторидадир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 2012 йилда дунёда 17,5 миллион киши юрак-қон томири касаллиги сабабли ҳаётдан кўз юмган, бу эса дунёда юз берган ўлимнинг 31% ташкил этади.

Жахон миқёсида, юрак ишемик касалликларида ривожланадиган субклиник кечиш ва яллиғланиш жараёни билан боғлиқ асоратларни эрта ташхислаш мухим тиббий ва ижтимойи муаммолардан бирига айланди. Ҳозирги кунда артерия деворлари яллиғланишига, яъни атеросклерозга биологик фаол моддалар ва молекулалар таъсирининг генетик бошқарувини аниқлаш муаммоси долзарб ва баҳсли бўлиб турибди. Бу борада цитокин генлари вариацияси мухим ўрин тутади. ЮИКда яллиғланиш иммуномаркерлари, TyG ва AIP индексларини эрта аниқлаш, даволаш натижаларини аниқ баҳолаш ва касаллик башорати учун юқори хавф гуруҳларини ажратиш илмий-амалий тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадли кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилган. Амалга оширилган тадбирлар натижасида кардиология хизмати йўлга қўйилди, шифохоналарда юрак ўткир инфарктидан ўлим 30-40% дан 11-12% камайтирилди. Шу қаторда соғлиқни сақлаш тизимида ЮИКни аниқлаш муаммолари камаймаган ва ЮИК дан хаётдан кўз юмганлар сони республикамиздаги барча юрак-қон томир касалликлари ўлим кўрсаткичи даражасининг деярли яримини ташкил қилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналишлари Стратегиясида «аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш» белгиланган. Бундан келиб чиққан холда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ЮИК касалликлари кўпайишининг олдини олиш, айниқса барқарор ва нобарқарор стенокардияда кузатиладиган асоратларни эрта ташхислаш алоҳида аҳамият касб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон Қарори билан тасдиқланган “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари туғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-

сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналишлари Стратегияси» хамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишнинг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юрак-қон томири касалликлари (ЮҚТК) ҳозир ҳам дунёда ўлим сабаблари ичида етакчилик қилмоқда. Бу асосан умумий патогенез – ЮИК ривожланишининг асосий омилларидан бири бўлмиш атеросклероз билан боғлик касалликларга тааллуқлидир. Яллиғланиш назариясига кўра артериянинг иммун омиллари таъсирида шикастланиши атеросклероз патогенезининг асосий бўғинларидан биридир (Libby P. 2002, Нагорнев В.А. 2005, Кулинский В.И. 2007, Оганов Р.Г. 2007, Ridker P.M. 2003, Robbins C.S. 2013, Bornfeldt K.E. 2014, Визир В.А. 2010, Аронов Д.М. 2011, Гордеева Е.К. 2016 ва б.). Атеросклероз ривожланишининг муҳим механизмлари – лейкоцитлар фаоллашуви бўлиб, уларнинг артерия деворларига кўчиши, липопротеидлар алмашувининг бузилиши, макрофаглар ва силлиқ мушак ҳужайраларининг пролиферация ва модификацияси, қайта моделлашуви ва тромб ҳосил бўлиш жараёни цитокинлар орқали бошқарилиши аниқланган (Палеев Ф.Н. 2010, Рагино Ю.И. 2012, Libby P. 2011, Wang Z. 2011 ва бошқалар).

PHS (Physician’s Health Study), AMORIS (Apolipoprotein MOrtality RISk study), WHS (Women’s Health Study), MONICA (Monitoring of Trends and Determinants of Cardiovascular Disease), ARIC (Atherosclerosis Risk in Communities Study) каби 20дан ортиқ истиқболли тадқиқот ишларида С-реактив оқсил (СРО) билан кардиоваскуляр хавф даражаси ўртасида алоқа борлиги қайд этилди (Devaraj S. 2009,Genest J. 2010, Holme I. 2010). Машҳур JUPITER тадқиқотида соғлом кишиларда ЮИК хавфи ривожланиши даражаси билан сўнгги нуқта (инсульт, инфаркт, ўлим) ҳамда паст зичликдаги липоротеидли холестерин (ПЗЛП ХС) ва юкори сезувчан СРО (юсСРО) ларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланган (Ridker P.M. 2012). Статинларнинг плацебога нисбатан самарадорлиги юқори эканлиги йирик рандомизацияланган клиник тадқиқотларда (4S; WOSCOPS; AF/Tex; CAPS; LIPID; CARE; HPS) умумий ХС ва ПЗЛП ХС миқдорини 20-25%га, ЮИК асоратлари даражасини эса 25-40% га камайтиришда исботланган (Белоусов 2009).

Эпидемиологик тадқиқотлар 50% ҳолатларда юрак-қон томир патологияси наслдан наслга ўтишини кўрсатади. Интерлейкинлар генларининг промотор ҳудудларида аллель полиморфизм борлигини аниқлаш антиген стимуляциясида цитокинларни ишлаб чиқариш даражаси ҳамда яллиғланиш реакцияларни шаклланишига кўра индивидуал ранг-

баранглиkни тасдиқлайди (Рыдловская А.В. 2005, Плоткин А.В. 2007, Ройтберг Г.Е. 2010, Zhang H.F. 2010, Aoki A. 2012,Турмова Е.П. 2015, Караулов А.В. 2015).

Республикамизда юрак-қон томири касалликлари буйча ўлим даражаси ва тарқалганлик кўрсаткичлари, юрак ишемик касалликлари ва артериал гипертензия хавф омилларини аниқлаш бўйича (Курбанов Р.Д., Мамутов Р.Д. 1990), маҳаллий ўсимликлар флорасидан тайёрланган дори воситалари самарадорлигини аниқлаш бўйича (Камилова У.К. 1998, Алимарданов Л. 1997), Тошкент шаҳрида ва қишлоқ аҳолисида ўсимликлар флорасининг кенг тарқалганлиги ва унинг юрак ишемик касалликларидаги профилактикасини аниқлаш (Махмудов Б.Х. 1987, Мамутов Р.Ш. 1992) бўйича бир қатор тадқиқот ишлари олиб борилган. ЮИКли беморларда атеросклерознинг иммун яллиғланиш патогенезини ўрганиш бўйича тадқиқотлар аввал олиб борилмаган.

Юқорида айтиб ўтилганлардан хулоса қилганда тиббиётдаги сўнги кашфиётлар ва ЮИКнинг турли шаклларини ўз вақтида ташхислашни ахамияти, юқори хавф гуруҳларида эрта ташхис қўйиш, атеросклерознинг олдини олиш ва даволаш масалалари долзарблиги ва устувор йўналишга эга эканлигини асослайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика иммунология илмий маркази режаларига мувофиқ ФТД-6 «Коронароген ва нокоронароген юрак-қон томир касалликлари ривожланишида иммуногенетик механизмлар аҳамияти» (2012-2015 йй) ва ФА-А10-Т010 «Ўзбек аҳолисида атерокальцинозли юрак-қон томири касалликларини эрта ташхислашнинг янги патогенетик асосланган ёндашувларини ишлаб чиқиш» (2015-2017) мавзусидаги лойиҳалари асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ЮИК кечиши клиник хусусиятларига боғлиқ носпецифик яллиғланишнинг иммуногенетик жиҳатларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ЮИКда барқарор ва нобарқарор стенокардиянинг клиник ва иммунологик хусусиятларини аниқлаш;

нобарқарор стенокардияли беморларда касалликнинг клиник кечиши ва иммун тизим ҳолатини баҳолаш;

ЮИК барқарор ва нобарқарор стенокардияли беморларда ФНО-α гени полиморфизмини аниқлаш;

ЮИК нобарқарор стенокардияли беморларда симвастатин ва леукомизин билан гиполипидемик даволаш динамикасида плейотроп самарадорликни аниқлаш;

юрак қон томир касалликлари асоратлари ривожланиши хавфини стратификациялаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ЮИКли 218 нафар бемор ва 41 нафар амалий соғлом одамлар олинди.

Тадқиқотнинг предметини ЮИКли бемор ва соғлом одамлар вена қони ва зардоби ташкил қилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Умумклиник, биокимёвий, инструментал, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ЮИК барқарор ва нобарқарор стенокардияли беморларда клиник-иммунологик яллиғланиш биомаркерлари аниқланган;

илк бор нобарқарор стенокардияда яллиғланиш жараёнининг фаоллашуви анамнезида ПИКС ва ёндош 2 типли ҚД боғлиқлиги исботланган;

ЮИКда яллиғланишга хос цитокинлар спонтан махсулотининг ортиши тизимли носпецифик яллиғланиш жараён фаоллашуви билан боғлиқлиги аниқланган;

илк бор узбек популяциясида нобарқарор стенокардия ривожланишида ФНО-α гени (-308G>A) полиморфизмининг хавфли А аллели аниқланган;

илк бор симвастатин ва леукомизин билан даволаш нобарқарор стенокардияли беморларда яллиғланишга қарши таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

яллиғланиш клиник ва иммунологик биомаркерлари ЮИК нобарқарорлашувининг башоратловчи мезони эканлиги асосланган;

қонда яллиғланиш биомаркерлари миқдорининг ортиши ЮИКли беморларда носпецифик яллиғланиш белгиси эканлиги аниқланган;

ЮИКли беморларда AIP ва TyG индекслари юрак қон-томир асоратлари хавфи юқори ва қуйи бўлган гуруҳларини аниқлаш имконини яратган;

юрак-қон томир касалликлар асоратлари ривожланиш хавфини стратификациялаш алгоритми ишлаб чиқилган;

нобарқарор стенокардияли беморларда симвастатин ва леукомизин билан даволаш яллиғланишга қарши таъсири исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро хамда махаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса хамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юрак ишемик касаллиги иммунопатогенези хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар замонавий назарий билимлар доирасини кенгайтиради. Илк бор иммуногенетик тадқиқотлар натижасида барқарор ва

нобарқарор стенокардия кечиши ва ривожланиши механизмлари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти яллиғланиш жараёни иммунологик маркерларини аниқлаш асосида юрак-қон томир асоратлари хавфи стратификациясининг янги алгоритми ишлаб чиқилган, бу эса стенокардия дестабилизацияси кузатилган ЮИКни скринингги, эрта ташхислаш, юрак-қон томир асоратлари юқори ва қуйи хавф гуруҳларини ажратиш, яллиғланишга хос цитокинларни аниқлаш, коронароангиография ва шу каби аналитик тадқиқотлар ўтказишга имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Барқарор ва нобарқарор стенокардия патогенезининг клиник-иммунологик жиҳатларини аниқлаш натижалари асосида:

стенокардия патогенезининг иммунологик хусусиятларини аниқлаш натижалари асосида ишлаб чиқилган «ЮИКга учраган беморларни клиник шарҳлашда яллиғланиш медиаторларининг аҳамияти» мавзусидаги услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғликни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 24 октябрдаги 8Н-д/40-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма миокард инфарктини ўтказган ЮИКли беморларда стенокардия ривожланишини эрта ташҳислаш ва башоратлаш, клиник кечишини аниқлаш, клиник-иммунологик кўрсаткичларнинг аҳамияти асосида этиопатогенетик даволашни такомиллаштиришга хизмат қилади;

стенокардия патогенезининг иммунгенетик жихатларини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази ва Тошкент шаҳридаги 7-шаҳар клиник касалхонаси амалий фаолиятига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 24 октябрдаги 8Н-д/40-сон маълумотномаси). Жорий қилинган ЮИКли беморларда клиник-иммунологик кўрсаткичларни аниқлаш, ЮИКни скринингги, эрта ташхислаш, юрак-қон томир асоратлари юқори ва қуйи хавф гуруҳларини ажратиш, гиполипидемик терапия билан даволаш эса яллиғланишга хос цитокинлар миқдорининг камайиши имконини яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 7 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Дисертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар 11 мақола, жумладан 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 6 боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Юрак ишемик касалликлари патогенези иммунгенетик жиҳатлари муаммоларига замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Шарҳда юрак ишемик касаллигининг эпидемиологияси, этиологияси, патогенези, ташхиси ва даволаш, яллиғланиш медиаторлари ва иммуноцитокинлар шаклланишида атеросклеротик пилакларнинг роли, юрак ишемик касаллигида полиморфизм генларнинг аҳамияти таҳлил қилиниб, замонавий маълумотлар умумлаштирилган. Яллиғланишда маркерлар миқдори ошишининг чамбарчас боғлиқлиги ва уларнинг юрак ишемик касаллиги ривожланишида прогнозли баҳоси келтирилган. Гиполипидемик дори воситаларининг плейотроп (яллиғланишга қарши) таъсири яллиғланиш биомаркерлари миқдорини камайтирувчи даволаш усуллари ҳам тилга олинган.

Диссертациянинг **«Юрак ишемик касаллигили беморлар клиник тавсифи ва қўлланган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида 27 ёшдан 75 ёшгача бўлган ЮИКли 218 та беморларнинг клиник тавсифи кўрсатилган (ўртача ёш 57,69±0,6). Оилавий анамнез ЮИКли 52,8% беморларда оғирлашган.

Биринчи (асосий) гуруҳ нобарқарор (авж олиб борувчи) стенокардияли (НС) 57,75±0,78 ёшни ташкил этувчи II функционал синф (ФС) Braunwald E. et al. (1989) тавсияси бўйича Соғлиқни сақлаш Вазирлиги Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази юрак ишемик касаллиги бўлимига 2012-13 ва 2016 йилларда ётқизилган 138 та беморни ташкил этади. Улардан 64,5% и эркаклар (89 киши), 35,5%и эса – аёлларни (49 киши) ташкил қилади.

Иккинчи гуруҳга (таққослаш учун) барқарор стенокардияли (БС) II-III ФС ЮҚТК Канада жамияти таснифи билан мувофиқликда (1976 й.) ва умум Россия кардиологлар илмий жамияти (УРКИЖ) / жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) (2008) тавсияларига кўра Соғлиқни сақлаш Вазирлиги Тошкент шаҳар 7-чи клиник шифохонадаги пуллик кардиология бўлимига стационар даволанишга 2013 йил ва 2016 йил июль-август ойларида ётқазилган 80 та бемор киритилган. Беморларнинг ўртача ёши 57,8±1,04 ёшни ташкил этди. Улардан 43 таси (53,7%) эркаклар, 37 таси (46,3%) аёллар.

Назорат гуруҳидагилар шартли соғлом, амбулатор текширилган, юрак ишемик касаллигида клиник, инструментал-ташхислаш белгиларисиз ва юрак ишемик касаллигида оғирлашган оилавий анамнезга эга бўлмаган 41 нафар одамларни ташкил этди. Ўртача ёш 56,2±1,53 ёшни, улардан 25 таси эркаклар (60%) ва 16 та бемор (40%) аёлларни ташкил этди.

Мезон сифатида Европа кардиологлар жамияти (ЕКЖ) тавсияларига кўра илк пайдо бўлган ёки ривожланаётган стенокардиянинг типик кўринишлари (тинч ҳолатда 20 минутдан кўпроқ давом этган ангиноз оғриқлар, стабил давом этаётган стенокардиянинг яқинда содир бўлган ва Канада таснифига кўра камида III ФС га етган дестабилизацияси), шунингдек, II-III ФС кучланишдаги (ҳафтада 1 ва ундан ортиқ стенокардия эпизодлари) стабил стенокардия ЮИК верификацияланган ташхиси кабилар олинган.

Тадқиқот ишига ўткир миокард инфаркти бўлган ва 3 ой давомида миокард инфаркти ўтказган, ритмнинг ҳаётга хавф солувчи бузилишлари ва юрак кузатилиши бўлган, сурункали юрак етишмовчилиги III-IV ФС (NYHA); юрак-қон томирлари қисқариши сони даволашга қадар бир дақиқада <60та бўлган, сурункали обструктив ўпка касаллиги бўлган, юрак нуқсони, буйрак ва жигар етишмовчилиги, қалқонсимон без функциялари бузилган, инсулинга боғлиқ ҚД 2 типи, онкологик касалликлар, сурункали инфекцияли касалликлар, яллиғланиш ва аутоиммун касалликлар билан оғриган беморлар киритилмаган.

Анамнезни клиник тавсифлашга кўра НС беморларда БС беморлари билан таққослаганда миокард инфарктини ўтказиш 2,7 марта кўп (χ^2=3,9; P=0,048), ҚД 2 типи 3 марта кўпроқ (χ^2=3,8; P=0,05), 4,2 марта кўпроқ семириш учраган (χ^2=7,0; P=0,008), тана вазни индекси кўрсаткичлари юқори бўлган (p<0,05), СС беморлар гуруҳида эса юрак ишемик касаллиги пайдо бўлиш давомийлиги устунлик қилган (p<0,01).

НС беморлар гиполипидемик даволанишга асосланиб , «тасодифий» (II ва III гуруҳлар) ва « тасодифий бўлмаган » (I гуруҳ) танлов усулига кўра бўлинишди, I–гуруҳни 60-90 мг/сут леукомизин қабул қилган 37 беморлар, II–гуруҳни симвастатин (20-40 мг/сут) ва леукомизин билан комбинацияли даволанган (60-90 мг/сут) 32 беморлар ва III-гуруҳни симвастатин (20-40 мг/сут) қабул қилган–69 беморлар ташкил этишти. Европа кардиологлар жамияти (2007 йил) «ОКС ташхиси ва давоси бўйича тавсиялар»га мувофиқ ХС (холестерин) ЛППЗнинг тўлиқ миқдори унинг <100 мг/дл га пасайишини ва агар имкон бўлса < 70 мг/дл (1,81 ммоль/л)гача пасайишини ҳисобланган.

Тадқиқот протоколига кўра текширувнинг қуйидаги босқичлари аниқланган: 1- стационар босқич (касалхонадаги 9-10 кун); 2- НС гуруҳи учун – амбулатор босқичда бемор стационар даволанишдан чиқарилганидан сўнг 3 ой давомида кузатилган. Амбулатор босқичда бемор ҳақидаги

маълумотлар телефон орқали олинган, улар такрорий текширишга таклиф қилинган ва салбий ҳолатлар кузатилганда касалхонага ётқизилган.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотнинг инструментал методи ўз ичига ЭКГ (в 12 стандарт буришларларда 6-каналли ЭКГ- аппаратида «Marquette-Hellige» (GE,США)), ЭхоКГ(«ALOKA–MultiView» эхокардиографда стандарт методикада М- ва В- режимлардан фойдаланиб), брахицефал артерия томирлари доплер текшируви (ДГ БЦА) (ультратовушли тизимда «ALOKA – MultiView» (Япония) 7 МГц частотали чизиқли датчик билан сканерлаш йўли билан уйқу артериясининг умумий гуруҳини рангли доплерли картерлаш режимида).

Тадқиқотнинг биокимёвий методлари ўз ичига қуйидагиларни олади: липидли спектрни аниқлаш (умумий холестерин (ХС), триглицеридлар (ТГ), юқори зичлик липопротеидлар холестерини (ЮЗЛП ХС), жуда паст зичлик липопротеидлар холестерини (ЖПЗЛП ХС), паст зичлик липопротеидлар холестерини (ПЗЛП ХС), А ва В аполипопротеинлар концентрацияси, В/Ага нисбати, юқори сезувчан С-реактив оқсил (юсСРО), глюкоза миқдори, креатинфосфокиназлар (КФК), ферментлар (АСТ, АЛТ) ва бошқалар биокимёвий автоанализаторда «Randox» (Буюк Британия) иммунфермент таҳлили (ИФА) билан аниқланган.

Иммунологик тадқиқот Республика иммунология илмий маркази иммунфармакология ва иммунпатология лабораториясида ўтказилган. Яллиғланишга хос цитокинлар миқдорини аниқлаш (ИЛ-6, ИЛ-18, ФНО-α) ва спонтан ва митоген-индукцияланган цитокин маҳсулотлари (ИЛ-1β, ФНО-α миқдорини аниқлаш иммунофермент таҳлил усулида «Вектор-Бест» (Новосибирск, Россия) тест-тизимдан фойдаланиб «StatFax - 2100» (АҚШ) иммунофермент анализаторда олиб борилган.

Генетик тадқиқот. Тадқиқот ишида «DNA technology» (Москва, РФ) фирмасидан олинган термостабил ДНК-полимераздан Taq. фойдаланилган, Олигонуклеотид праймерлар -tggaagttagaaggaaacagac ва acacaagcatcaaggatacc, Соғлиқни сақлаш Вазирлиги Республика иммунология илмий марказида синтезланган (Тошкент ш., Ўзбекистон). ДНК учун манба тирсак венасидан вена қони 3-5 мл ҳажмда олинган. Геномли ДНК олиш учун модернизацияланган кўринишда қон ҳужайралари лизиси 2 босқичли методдан фойдаланилган. ДНК концентрациясини ўлчаш на спектрофотометрда NanoDrop™ Lite (Thermo Fisher Scientific, USA) олиб борди ва ДНКнинг барча намуналари 100 ng/µl бўлди. Полиморфли вариантларни турлаш учун TNFa (-308G>A, rs1800629) HRM-qPCR (Stratagene M*3005P, Agilent Technologies, Germany; DT-Prime, ДНК-Технология, Россия) ва микрочипли PCR-детекцияси (MCE 202 MultiNA, Zhimadzu, Япония) методларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижасида олинган маълумотлар статистик қайта ишлаш билан шахсий Pentium-IV компьютерда Microsoft Office Excel-2003 дастур

пакетлари ёрдамида стандарт статистик кўрсаткичларни (M, m, σ) ҳисоблаб статистик ишланмаларнинг ўрнатилган функцияларидан фойдаланиб қайд этилган. Фарқларни статистик кўрсаткичлар билан p<0,05да ҳисобланган.

Диссертациянинг **«Стенокардияли беморларда клиник-инструментал ва липид кўрсаткичлар хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобида шахсий кузатувлар натижаси ва уларнинг НС ва БС беморлар орасидаги ҳамда соғлом кишиларга нисбатан қиёсий баҳоси келтирилган. Беморлар клиник шикоятлари таҳлилига кўра НС беморларда оғриқ хуружи кўпроқ узоқ давом этиши билан тинч ҳолатда юклама оғир бўлмаганда юзага келганда ўртача 11,8±1,6 дақиқани ташкил этди (p<0,001). Хуружларнинг кўпайиши ҳафтасига 33,6±0,8 мартани ташкил этган (БСда эса 18,6±0,8 марта). Доим самарали бўлмаса-да ёки қисқа муддатга енгиллашиш берган бўлса-да нитроглицерин қабул қилишга эҳтиёж ортди, ҳафтада ўртача 30,4±0,7 таблетка (БСда эса 20,4±0,4)ни ташкил этди ва ишончли кўрсаткичга эга бўлди (p<0,001). Оғриқлар ҳаво етишмаслиги, тахикардия, АД нобарқарорлиги, қўрқувни ҳис қилиш билан кузатилган.

НС гуруҳидаги беморларда юрак қисқариши сони (ЮҚС) миқдори БС гуруҳидагиларга қараганда 5%(P=0,007)га баландроқлиги НС беморларда симпато-адренал тизимининг юқори фаоллашувини исботлайди. НС беморларда САҚБнинг (систолик артериал қон босими) ўртача кўрсаткичлари 144,2±2,1 мм.рт.ст.ни , БС беморларда эса– 137,4±2,1 мм.рт.ст.ни ташкил этди. Касаллик гуруҳларининг бир-бири билан таққослаганда шубҳасиз НСда баланд кўрсаткич эга бўлган (p<0,05). НС беморларда ДАҚБ (диастолик артериал қон босим) кўрсаткичи ҳам БС беморларга нисбатан юқорироқ қийматда бўлган, бироқ аниқ кўрсаткичга эга бўлмаган, 88,1±1,1 мм.рт.ст. ва 85,1±1,1 мм.рт.ст. мувофиқликда ташкил топган.

Стенокардияли беморларда ЭКГ ўтказилганда тадқиқот вақтида қуйидаги ўзгаришлар қайд қилинди. Беморлар гуруҳида БС 87,5% кишида юрак чап қоринча гипертрофияси (ЧҚГ), 43,7%ида сурункали юрак томирлари етишмовчилиги, 32,6%ида миокардда метаболитик ўзгаришлар, 23,7%ида миокардда дистрофик ўзгаришлар, 12,5 %ида бирламчи юрак қоринчалари экстрасистоласи кузатилган, 10%ида бирламчи юрак бўлмачаси экстрасистоласи, 8,8%ида Гисс тўплами чап оёқчаси тўлиқсиз блокадаси ва 8,8%ида миокардда чандиқли ўзгаришлар кузатилган. НС беморлари гуруҳида ЭКГда қуйидаги ўзгаришлар қайд этилди: 89%ида юрак чап қоринча гипертрофияси (ЧҚГ), Т тишининг манфий кўринишида қайта қутбланиш турининг бузилиши 48% беморда, Т тишчасининг равон тури 12%да, ST сегменти депрессияси 34,7%ида, Т тишча юқори кўринишидаги ишемик ўзгариш 1,8%ида, 13%ида миокарднинг чандиқли ўзгаришлари, 20,5%ида Гисс тўпламининг чап оёқчаси тўлиқ блокадаси ва 16% беморларда бирламчи юрак қоринча экстрасистоласи кузатилди.

ЮИКли беморларда ЭхоКГ натижаларига кўра ЮЧҚ (юракнинг чап қоринчаси) функционал ҳолатининг қиёсий таҳлили турли йўналишли характер касб этди. НС беморларда ЮЧҚ якуний систологик ҳажми (ЯСҲ), якуний систолик ўлчам (ЯСЎ) кўрсаткичлари ошган қийматларни кўрсатишди, бироқ ишончлилик даражасига эга бўлишмаган. НС беморларда якуний диастолик ўлчам (ЯДЎ) кўрсаткичлари БС гуруҳдагиларга нисбатан 6%га ошган. (p<0,001). НС беморларда ЯДҲ ва ЯСҲ ЧО кўрсаткичларининг ошиши натижасида БС гуруҳдагиларга қараганда НС гуруҳида юрак отиш фракцияси пастроқ бўлган 9% (p<0,05). НС беморларда қоринчалар аро девор қалинлиги (ҚДҚ) 12,0±0,2 мм ни ташкил этган ва СС беморларга қараганда (11,2±0,2 мм) 7%га баландроқ бўлган (p<0,01). НС беморларда ҚДҚ БС га нисбатан 5%га баландроқ бўлган (p<0,01).

ЮИК умумий гуруҳидаги беморларда брахиоцефал артерия томирлари доплер текшируви кўрсаткичлари натижаларига кўра ўнг уйқу артериялари комплексини интим медиа қавати қалинлиги (УУА КИМҚ) соғлом шахсларга нисбатан 21,3% га ошган, бу стенокардияли беморларда УУАнинг атеросклеротик шикастланиши билан боғлиқлигини англатади. НС беморларда соғлом гуруҳдагиларга нисбатан УУА КИМҚ ўнгдан 25% га ишончли ошган (p<0,001). НС гуруҳида умумий уйқу артерияси интим медиа комплекс қалинлиги (УУА КИМҚ) ўнгдан БС гуруҳдагиларга қараганда 16%га ошган (p<0,05). ЮИК умумий гуруҳидаги беморларда соғлом шахсларга нисбатан ўнгдан УУА КИМҚ кўрсаткичлари 40%га ошган, бу стенокардияли беморларда атеросклеротик шикастланиш билан боғлиқ. НС беморларда соғлом гуруҳдагиларга нисбатан чапдан УУА КИМҚ 42%га ошган (p<0,001) ва БС гуруҳдагиларга нисбатан 17,6%га ошган (p<0,01). БС беморларда соғлом гуруҳ кўрсаткичларига қараганда чапдан УУА КИМҚ 21%га ошган (p<0,01)



1-расм ЮИКли беморларда КА, TyG и AIP индекслар кўрсаткичлари

Изоҳ: *-P<0,01-ишончлилик стенокардия гуруҳлари орасидаги фарқга кўра
^- P<0,001-ишончлилик назорат гуруҳидагилар фарқига нисбатан

Стенокардиянинг ўрганилаётган гуруҳларидаги липидлар алмашинувининг асосий кўрсаткичлари қиёсий таҳлил қилинганда иккала гуруҳда ҳам маълумотлар мос келган, НС беморларда кўрсаткич СС беморлар билан таққосланганда ошгани кузатилди, бироқ ишончлик даражасига етмаган. Соғлом гуруҳдагиларни стенокардия беморлар билан таққослаганда уммумий кўрсаткич стенокардияли беморларда ошгани кузатилган: умумий ХС 1,4 марта ($p<0,001$), ТГ 2 марта ($p<0,001$), ХС ЛПП3 1,3 марта ($p<0,05$), КА 1,5 марта ($p<0,001$).

Хавф индексининг қиёсий таҳлили (1 расм) TyG кўрсаткичларини НС беморларда БС беморларига қараганда етарлича ошганини аниқлади ($p<0,001$) ва AIP ($p<0,05$).

Диссертациянинг **«Юрак ишемик касалликли беморларда яллиғланиш биомаркерларнинг роли»** деб номланган тўртинчи бобида клиник ва иммунологик яллиғланиш биомаркерлар таркиби тадқиқоти натижалари ҳамда асосий яллиғланишга хос цитокинлардаги спонтан ва индукцияланган маҳсулотларнинг қиёсий баҳолари келтирилган. Анамнезда МИ (миокард инфаркти) ўтказган ва ҳамроҳ ҚД 2 типи ЮИК беморларда яллиғланиш жараёнида носпецифик фаоллашувнинг ўзига хос хусусиятлари тасвирланган.

Стенокардия гуруҳлараро ўрганилган яллиғланиш маркерларининг қиёсий таҳлили НС беморларда (1-жадвал.) ЭЧТВ миқдорини 1,8 марта ($p<0,001$) ва фибриноген 1,1 марта ($p<0,05$) ошганини кўрсатган. НС беморлар соғлом гуруҳлар билан таққосланганда ЭЧТВ кўрсаткичи 2 мартага ошган ($p<0,001$), фибриноген миқдори эса 1,4 мартага ошган ($p<0,001$). БС беморларни соғлом гуруҳдагилар билан таққослаганда фибриноген ва ЭЧТВ миқдори 1,2 мартага баланд бўлган ($p<0,001$).

1-жадвал.

ЮИК беморларда яллиғланиш биомаркерлар кўрсаткичи (M±m)

Кўрсаткичлар	Нобарқарор стенокардия (n=138)	Барқарор стенокардия (n=80)	Соғлом гуруҳ (n=41)
юсСРО, г/л	5,7±0,3**^^^	4,5±0,3^^^	0,9±0,03
Лейкоцитлар ($10^{\wedge 9}$/л)	6,2±0,1^^^	6,1±0,4^	5,2±1,1
Лимфоцитлар	32,9±0,7	27,5± 0,8	33,0±0,91
ЭЧТВ, мм/ч	11,0±0,8***^^^	6,5±0,3^	5,4±0,3
Фибриноген, г/л	3,4±0,1*^^^	3,0±0,2^^	2,5±0,1
ИЛ–6, пг/мл	29,8±5,5**^^^	14,2±1,72^^^	3,4±0,3
ФНО–α, пг/мл	23,5±4,8*^^^	12,7±2,1^^^	4,6±0,8
ИЛ-18, пг/мл	168,3±10,6*^^^	134,4±8,9^	106,3±11,0

Изоҳ: *p<0,05,**p<0,01,***p<0,001 – ишончлилик фарқи НСК И билан ССК;
^p<0,05,^^p<0,01,^^^p<0,001 – ишочлилик фарқи назорат гуруҳига нисбатан.

НС беморларда соғлом шахсларга нисбатан юсСРО миқдори 5 мартага ошган (p<0,001) ва БС беморларда 4 мартага ошган (p<0,001). НС гуруҳидагиларда БС гуруҳдагиларга нисбатан юсСРО миқдори сезиларли 21% га кўпроқ (1,3 марта баланд) юқори бўлган (p<0,01), бу эса НС гуруҳида атеросклероз патогенезида яллиғланиш ҳақида маълумот беради.

Барқарор стенокардияли 71,4% беморда ўртача кўрсаткич 133,4±8,81, 14,2±1,7 ва 12,7±2,1 пг/мл бўлганда ИЛ-18, 76,2%да – ИЛ-6, 82,9%да - ФНО–α. миқдорининг ошгани аниқланди. НС беморларда ўртача кўрсаткич 168,3±10,6, 29,8±5,5 ва 23,5±4,8 пг/мл бўлганда ИЛ-18 миқдорини 79,4%,ида ИЛ-6 барча пациентларда ва ФНО–α 85,3%ида ошгани аниқланди.

БС гуруҳидаги беморларда назорат гуруҳидагиларга нисбатан ИЛ-6 ишлаб чиқарилиши 4,7 мартага ошгани аниқланди (p<0,001), НС гуруҳида эса назорат гуруҳидагилар билан таққослаганда бу кўрсаткич 10 мартага ошган (p<0,001). НС беморларда БС беморлар билан таққослаганда ИЛ-6 миқдори 2 мартага ошган (p<0,01).

НС беморларда ФНО–α, миқдори соғлом гуруҳдагиларга нисбатан 5 мартага ошган (p<0,001). БС беморларда ҳам соғлом шахслар билан таққослаганда ФНО–α миқдорининг ошиши кузатилди (p<0,001), фақат 3 мартага. Стенокардия гуруҳи ичидаги қиёсий таҳлиллар ФНО-а миқдорининг НС беморларда 2 мартага ошганини аниқлади (p<0,05).

ИЛ-18 миқдори НС гуруҳда соғлом шахслар билан таққосланганда 1,6 мартага баландлиги аниқланди (p<0,001), БС гуруҳидагиларда эса 1,3 мартага баланд (p<0,05). НС беморларда БС билан таққослаганда ИЛ-18 миқдори 1,3 мартага ошгани билан (p<0,05) эътиборни тортади.

Яллиғланиш цитокинлари ИЛ-1 ва ФНО-альфа спонтан ва индуцияланган ишлаб чиқарилиши ўрганилди. ИЛ-1 спонтан индукцияси БС гуруҳидаги беморларда 4,4 мартага ошган (34,04±9,5 пг/мл), НС гуруҳидаги беморларда эса 7 мартага ошган (54,87±10,32 пг/мл), бу қон ҳужайралари фаоллашуви ва уларнинг имкониятларини кучайтириб, яллиғланишга хос цитокинларни ишлаб чиқарилишини изоҳлайди. Назорат гуруҳидагиларда ҳам (7,78±1,05), стенокардия гурухлари орасида ҳам (p<0,05) аниқланган ўзгаришларнинг барчаси ишончли. БС гуруҳида ФНО-альфа спонтан маҳсулоти, 3 мартага ошган (32,76±5,47 пг/мл), НС гуруҳида эса соғлом гуруҳдагиларга нисбатан (10,48±3,75 пг/мл) 3,7 мартага ошган (39,07±6,27 пг/мл), бироқ стенокардия гуруҳлари аро таққослаш ишончли эмас эди.

ИЛ-1 нинг индуцияланган ишлаб чиқарилиши назорат гуруҳидагилардан аҳамиятли фарқ қилмади. ФНО-альфа индуцияланган ишлаб чиқарилиши БС гуруҳи беморларида (60,98±0,62 пг/мл) ва НС гуруҳида (60,53±1,04 пг/мл) назорат гуруҳидаги кўрсаткичлар билан таққослаганда 1,4 мартага ошгани аниқланди (44,70±8,59 пг/мл), бироқ ўз ораларида аниқ фарқ аниқланмади.

НСни ўрганиш жараёнида аналитик ёндашув анамнезда ПИКС ва ҚД 2 типлари учрашининг юқори даражасини аниқлашга ёрдам берди, бу эса НС

беморларда яллиғланиш жараёнини янада чуқурроқ ўрганишга қизиқиш уйғотди.

МИ ўтказган НС беморлар учун анамнезда лимфоцитлар миқдорининг 1,2 мартага ошиши ($p<0,05$), ЭЧТ 1,6 марта ($p<0,05$), ИЛ-6 2 марта ($p<0,05$) ва ФНО-α в 2 мартага ошиши ($p<0,05$) кузатилган.

ЮИК беморларда СД 2 типининг мавжудлиги дестабилизацияланган стенокардияли беморлада глюкоза миқдорини 1,9 мартага ($p<0,001$), юсСРО 1,3 мартага ($p<0,05$), лимфоцитлар 1,1 мартага ($p<0,05$), ЭЧТВ 1,6 мартага ($p<0,05$) ва ИЛ-6 2,5 мартага ($p<0,05$), ФНО-а 2,4 мартага ($p<0,05$) ошишига боғлиқ.

Диссертациянинг **«Юрак ишемик касаллиги кечиши прогнозида иммунгенетик профил ва яллиғланиш иммунобиомаркерларини мажмуавий баҳолаш»** деб номланган диссертациянинг бешинчи бобида генетик полиморфизм ФНО-а ассоцияланган ЮИК беморлардаги клиник-иммунологик ўзига хослиги келтирилган. Нобарқарор стенокардияли беморларда С-реактив оқсилга юқори сезувчанлик хавфи даражасидан келиб чиқиб, иммуняллиғланиш реакциялари натижалари ўрганилган.

Нобарқарор стенокардия (НС) ва барқарор стенокардия (БС) беморларда айрим клиник-иммунологик кўрсаткичларнинг генотипик профиллар билан алоқалари ФНО-α (-308G>A, rs1800629) гени ўрганилган.

Аллель ва генотиплар учрашиш даражаларининг полиморфизга кўра тарқалиши таҳлил қилинганда rs1800629 SS босим II-III ФС гуруҳида ва назоратдагиларда статистик кўрсаткичли фарқ аниқланмади ($\chi2<0.99$, $P>0.32$).

НС гуруҳи БС гуруҳи билан ва назоратдагилар билан қиёсий таҳлилда аниқ фарқлар аниқланди. rs1800629 полиморфизми А аллелининг нисбий хавф аҳамияти (OR) НС ва назорат гуруҳидагилар билан таққосланганда 18,47 ($P<0.004$)ни ташкил этди, A/G генотип ($OR=14,75$, $P<0,02$) кўпроқ аҳамият касб этди. A/A генотип фақатгина НС гуруҳида аниқланди ($OR=3.06$, $P<0,02$). А аллели, A/G ва A/A генотиплари учраш частотасининг юқорилиги барқарор (ривожланувчи) стенокардияда хавф ривожланиши вариантлари сифатида тавсифланади.

Бундан ташқари, ФНО-α генотипларнинг барқарор ва нобарқарор стенокардияли беморларда тарқалишини қиёсий таҳлил қилиш қуйидаги фарқларни кўрсатди (2-жадвал).

Шу тариқа, ФНО-α полиморфизми А аллельянинг OR миқдори 8.78 ($P<0.02$)ни ташкил этди. A/G ва A/A генотиплар $OR=6.82$ ва $OR=3.12$ миқдорлари кўрсаткичларини кўрсатди. ($P<0.08$). Доминант моделни ўрганишда кузатувлар A/A+A/G генотиплар $OR=8.14$га эга эканликларини кўрсатди ($P<0.03$).

Маркерларнинг липидли алмашинувини қиёсий баҳолаш соғлом шахсларга нисбатан (3-жадвал) ХС ($p<0,001$), ТГ, ХС ЛППЗ ($p<0,001$), ХС

ЛПЖПЗ (p<0,001) ва КА (p<0,001)ларнинг юқори миқдорини кўрсатди, уларнинг юқори миқдорлари NS гуруҳида салбий генотиплар билан A/G+A/A аниқланди.

НС гуруҳидаги беморларда G/G генотипли беморлар билан таққослаганда A/G+A/A генотиплар билан ассоцияланган КА индекси 18% га (p<0,05) ва АІР 11%га ошган (p<0,05)

2-жадвал.

НС ва СС шахсларда ФНО-α (-308G>A, rs1800629) қиёсий таҳлили

Аллеллар/генотиплар	НС	БС	χ^2	*p*	*OR*	
	n = 50	n = 51			кўрсат.	95% CI
A аллелья	0.080	0.010	5.84	0.02	8.78	1.08 – 71.58
G аллелья	0.920	0.990			0.11	0.01 – 0.93
A/A генотиплар	0.020	0.000	5.09	0.08	3.12	0.12 – 78.46
A/G генотиплар	0.120	0.020			6.82	0.79 – 58.85
G/G генотиплар	0.860	0.980			0.12	0.01 – 1.04

3-жадвал.

НС ва БС беморларда ФНО-α гени (-308G>A, RS 1800629) (M±m, n(%)) генотиплар тарқалишига нисбатан липид алмашуви миқдори ва глюкоза миқдорининг қиёсий баҳоси

кўрсаткичлар	НС		БС	Соғлом гуруҳ (n=41)
	Генотип G/G (n=43)	Генотип A/G+A/A (n=7)	Генотип G/G (n=51)	
умумий ХС, мг/дл	228,1±5,6^^^	245,5±14,6^^^	215,7±7,8^^^	158,3±3,34
ТГ, мг/дл	226,7±9,6*^^^	237,8±19,7^^^	196,9±11,5^^^	95,9±5,4
ПЗЛП ХС, мг/дл	144,2±4,8^^^	162,6±11,9^^	133,2±6,8^^^	101,1±2,77
ЮЗЛП ХС, мг/дл	38,5±0,9	35,3±1,5^	43,1±1,5*^	39,1±0,91
ЖЮЗЛП ХС, мг/дл	46,9±2,7^^^	48,8±8,9^^	40,6±2,7^^^	19,2±1,07
АК, отн.ед.	4,88±0,17**^^^	5,95±0,5^^^[A]	4,11±0,17^^^	3,2±0,09
Глюкоза, ммоль/л	7,05±0,57**^^	7,6±1,57	5,09±0,43	4,8±0,5
АІР, бирликка нисбатан.	0,76±0,02**	0,85±0,03 [A]	0,64±0,03	0,39±0,77
TyG, бирл.нис.	5,0±0,04**	5,1±0,09	4,80±0,05	4,52±1,95

^P<0,05, ^^P<0,01, ^^^P<0,001- ишончлилик назорат гуруҳига нисбатан;
*P<0,05, **P<0,01, ***P<0,001- ишончлилик NS ва SS гуруҳлариаро G/G гени TNF-α (-308 G/A) генотиплари билан; [A] P<0,05- ишончлилик генотиплар ва NSгуруҳлари ичида

НС гуруҳидаги G/G генотипли беморлар қонидаги липидлар ва глюкоза миқдорини SS беморларга нисбатан қиёсий таҳлил қилишда ТГ миқдорининг 1,2 мартага (p<0,05), КА 1,2 марта (p<0,01), глюкоза миқдори 1,4 мартага ошганини кузатиш мумкин (p<0,01), бу нобарқарор стенокардия беморлар дислипидемиясида юқори атерогенликни кўрсатади.

НС гуруҳидаги G/G генотиплар билан беморларда юрак-қон томири асоратлари хавфи индекслари БС гуруҳидаги шу генотипли беморларга нисбатан қиёсий таҳлили АІР кўрсаткичларини 20% га(p<0,01) ва TyG 6 %га (p<0,001) ошганини кўрсатди. НС гуруҳидаги A/G+A/A генотиплар билан

беморларда G/G генотипли беморларга нисбатан КА индекслари 18% га (p<0,05) ва AIP 11%га ошгани ассоцияланди (p<0,05).

ЮИК беморлардаги клиник-иммунологик биомаркерлар миқдори ФНО-α гени(-308G>A, rs 1800629) генотиплар бўлинишига нисбатан таҳлил қилинди. (4.-жадвал). Яллиғланган маркерлар миқдори (ФНО-а, ИЛ-6, ИЛ-18, ютС-РО ва фибриноген) НС гуруҳидаги беморларда ҳам, SS гуруҳидаги беморларда ҳам соғлом шахсларга нисбатан етарлича юқори бўлган (p<0,001). Энг юқори кўрсаткичлар NS гуруҳидаги A/G+A/A генотипли беморларда аниқланиб, бу ҳақида диссертация давомида кенгроқ ёритилади.

Барча кузатилаётган гуруҳларда назорат гуруҳидагиларга нисбатан қон зардобида ФНО-α яллиғланган цитокинлар миқдориинг ошгани аниқланди, кўп ҳолларда G/G генотипли беморларда 2,8 мартага (p<0,001) ва НС гуруҳидаги G/A генотипли беморларда 13 мартага ошгани кузатилди (p<0,01). НС гуруҳи ичида генотиплар таққосланганда A/G+A/A генотипли беморларда G/G генотипли беморларга нисбатан ФНО-α миқдори 4,5 марта баланд бўлган (p<0,01)

4-жадвал.

НС ва БС беморларда ФНО-α гени (-308G>A, RS 1800629) генотиплари тарқалишига нисбатан клиник-иммунологик яллиғланиш биомаркерларни қиёсий баҳолаш (M±m)

кўрсаткичлар	НС		БС	Соғлом гуруҳ (n=41)
	Генотип G/G, (n=43)	Генотип A/G+A/A (n=7)	Генотип G/G (n=51)	
ФНО-а, пг/мл	13,4±1,2^^^	$60,6±17,2^{AA}$^^	12,5±2,1^^^	4,58±0,81
ИЛ-6, пг/мл	17,9±2,3^^^	$57,3±14,8^{A}$^^^	14,5±1,8^^^	3,42±0,28
ИЛ-18, пг/мл	155,0±10,65^^	197,7±23,9^^	133,69±9,14	106,3±11
СРО, мг/л	6,65±0,8*^^^	7,25±1,69^^^	4,48±0,31^^^	0,9±0,03
Фибриноген,г/л	2,98±0,1^^^	$3,62±0,25^{A}$^^^	3,15±0,18^^	2,5±0,09
Лейкоцитлар, $x10^2/1$	6,47±0,26*	6,30±0,38	5,72±0,16	5,2±1,1
Лимфоцитлар, %	31,9±0,93*	29,3±1,55	28,41±1,15	33,0±0,91
ЭЧТ, мм/с	10,2±1,17*	11,1±4,14	6,37±0,45	6,5±1,9

^P<0,05, ^^P<0,01, ^^^P<0,001- ишончлилик назорат гуруҳидагиларга нисбатан
*P<0,05, **P<0,01, ***P<0,001- ишончлилик NS ва SS гуруҳлариаро G/G генотиплар билан TNF-α гени (-308 G/A); ^{A}P<0,05, ^{AA}P<0,01, ^{AAA}P<0,001- ишончлилик NS гуруҳи ичида орасида G/G и A/G+A/A гена TNF-α (- 308 G/A генотипларарo).

НС ва БС G/G генотиплар билан гуруҳлар таққосланганда аниқ фарқ кўринмади, бироқ NS гуруҳидаги беморларда ошишга мойиллик кузатилди. NS гуруҳидаги A/G+A/A генотипли беморларда комплекс интим-медиа ўнгдан ОСА миқдорининг G/G генотипли беморлар билан таққослаганда (0,92±0,04) 16%га (1,07±0,06, p<0,05) юқори ошган қатлами кузатилди. ИЛ-6 яллиғланган цитокиннинг зардобли миқдорини соғлом шахсларга нисбатан қиёсий таҳлил қилиш унинг НС гуруҳда G/G генотипли беморларда етарлича ошганини кўрсатди 5,2 марта (p<0,001), G/A+A/A генотиплиларда

16,8 марта (p<0,001), ва БС гуруҳидаги G/G генотиплиларда 4,2 мартага ошгани кузатилди (p<0,001). ИЛ-6 миқдорини НС беморларда қиёслашда G/A+A/A генотипли беморларда G/G генотипли беморларга нисбатан ФНО-α гени (-308G>A) 3,2 мартага (p<0,05) аниқ ошгани кузатилди.

НС ва БС гуруҳлараро яллиғланган клиник маркерлар кўрсаткичлари G/G генотиплари билан қиёсий баҳоланганда НС беморларда вчСРБ миқдорининг 1,5 марта (p<0,05), лейкоцитлар миқдори 1,1 мартага (p<0,05), лимфоцитлар миқдори 1,1 мартага (p<0,05) ва СОЭ 1,6 мартага (p<0,05) ошгани аниқланди. Фибриноген миқдори НС гуруҳида G/A+A/A генотиплари G/G генотипли беморларга нисбатан 1,2 мартага (p<0,05) ошгани кузатилди.

НС беморларда атеросклероз ривожланиш патогенезида ҳужайравий яллиғланишда биомаркерларнинг ролини аниқлаш учун юсСРО хавфи даражасидан келиб чиқиб яллиғланишга хос цитокинлар ўзгаришининг диапазони ўрганилди. юсСРОни аниқлаш натижалари интерпретациясида Америка кардиологлар ассоциациясининг қуйидаги тавсияларига амал қилдик: юсСРОда 1 мг/лдан камроқ қон-томир асоратлари (ўткир миокард инфаркти, инсульт) паст, юсСРОда 1 дан 3 мг/лгача – ўртача юсСРОда 3 мг/лдан кўпроқ – юқори.

Яллиғланган биомаркерларни юсСРО хавфи пастроқ бўлган гуруҳларда ютСРО 1 мг/л миқдорда қиёсий таҳлил қилинганда НС беморларда ЭЧТВ миқдори 2,3 мартага (p<0,01) ва юсСРО 1,4 мартага ошгани кузатилди. (p<0,05). НС гуруҳидаги хавф пастроқ бўлган назорат гуруҳи беморлари таққосланганда ЭЧТВ 2 мартага (p<0,01), ИЛ-6 2,7 мартага (p<0,05), ФНО-а 1,4 мартага (p<0,05) ва ИЛ-18 1,4 мартага ошгани аниқланди (p<0,01), БС гуруҳида эса назоратдагиларга нисбатан яллиғланган биомаркерлар миқдорининг аниқ ошиши кузатилмади.

5-жадвал.

Нобарқарор стенокардияли беморларда ютСРО хавфи даражасига нисбатан яллиғланиш медиаторлар кўрсаткичлари (M±SD)

Кўрсаткичлар	юсСРО до 1 мг/л НС (n=20) СС (n=17)	юсСРО 1-3 мг/л НС (n=30) СС (n=30)	юсСРО юқори 3 мг/л НС (n=88) СС (n=33)	Соғлом гуруҳ (n=41)
ЭЧТ, мм/ч	11,6±2,1^^**	12,3±2,0^^^	10,5±1,0^^^**	5,4±0,3
	5,1±0,4	6,8±0,3^^**	7,1±0,7^	
юсСРО, мг/л	1,0 ±0,1*	2,4±0,1^^^	7,23±0,4^^^***	0,9±0,03
	0,74±0,1	2,36±0,2^^^	5,41±0,2^^^	
